QMMB: 07/24/344/0765-son
02.10.2024-y

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
QARORI

2024 yil « 30 » сентябрь №ПҚ–344

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги “Республикада агросаноат соҳасига янги бозор механизмларини жорий этиш ҳамда саноатлашган боғ ва токзорларни барпо қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–151-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг ташкилий тузилмаси **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда **бир ой муддатда** Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари иш фаолиятини ташкил этиш учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратиш чораларини кўрсин.

3. Қуйидагилар:

Боғдорчилик, узумчилик, иссиқхона хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда тизим фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича **“йўл харитаси” 2-иловага** мувофиқ;

2024–2027 йилларда анжир, фундук ва зайтунзорларни ташкил этишнинг мақсадли кўрсаткичлари **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

QMMB: 07/24/344/0765-son
02.10.2024-y

4. Қуйидагилар **Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасини** (кейинги ўринларда – Жамғарма)ни шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ва Виночиликни ривожлантириш жамғармасининг қолдиқ маблағлари ҳамда аввал ажратилган ресурсларнинг (ссуда, субсидиялардан қайтган, қарзлар) қайтишидан тушадиган маблағлар, хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар, вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитига жойлаштириш ҳисобидан тушадиган фоизлар;

Агентлик томонидан ишлаб чиқилган лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларига мувофиқ яратиладиган янги боғ ва токзорлардан ундириладиган бир марталик йиғимлар;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган трансфертлар ва ссудалар;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари (қарз маблағлари) ва грантлари;

“тайёр ҳолда барпо этиш” тамойилига асосан ташаббускорларга лизинг асосида очиқ электрон аукцион савдолари орқали боғ ва токзорларни сотишдан тушган тушумлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2025 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида Жамғармага **150 миллиард сўм** бюджетдан трансферт режалаштириб борилишини таъминласин.

Белгилансинки, Давлат бюджети ҳисобидан, хусусан, аввалги йилларда Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига ажратилган бюджет ссудаларининг қайтган қисми ҳисобидан ҳар йили қўшимча равишда **300 миллиард сўм** бюджет трансфертлари Жамғармага йўналтирилади ва ушбу маблағлар, шунингдек, Виночиликни ривожлантириш жамғармасидан Жамғармага ўтказилган маблағлар мақсадли равишда республика ҳудудида янги боғ ва токзорлар яратиш лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади.

6. Жамғарма маблағлари ҳисобидан илмий ва таълим ташкилотлари, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассислари ҳамда экспертларини маслаҳатчи сифатида жалб қилишга рухсат этилсин.

QMMB: 07/24/344/0765-son
02.10.2024-y

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **бир ой муддатда** Агентлик ва Жамғарма тўғрисидаги низомларни ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда Жамғарма маблағлари ҳисобидан Агентлик ҳузуридаги кўчат етиштириш ва намунавий боғларни барпо этишга ихтисослашган корхона томонидан намунавий саноатлашган плантация яратиш ҳамда уни **"тайёр ҳолда барпо этиш"** тамойилига асосан ташаббускорларга лизинг асосида **очиқ электрон аукцион** савдолари орқали бериш кўзда тутилсин.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда Агентлик томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат йўналишидаги субсидиялар турларини **бир ой муддатда** мақбуллаштирсин.

Бунда:

а) 2025 йил 1 январдан:

интенсив мевали боғ ва узумзорларда томчилатиб суғориш тизимлари ўрнатгани учун субсидия сифат даражасини белгиловчи коэффициентни қўллаган ҳолда **1 гектар учун 16 миллион** сўмдан ошмаган миқдорда белгиланади;

сув тежовчи технологияларни қўллаш учун субсидия сув қувурларининг ўлчамидан (диаметри) келиб чиқиб, **40 минг** сўмдан **250 минг сўмгача** белгиланади;

"in-vitro" усулида яратилган мевали пайвандтагли кўчатларни сотиб олиш харажатлари учун субсидия ушбу харажатларнинг **50 фоизи**, бироқ ҳар бир мевали пайвандтагли кўчатга **25 минг** сўмдан, узумнинг данаксиз ва янги нав кўчатларига **7,5 минг** сўмдан, маҳаллий узум кўчатларига **2 минг сўм**дан ошмаган миқдорда белгиланади;

экиш схемалари ҳудудларнинг тупроқ ва иқлим шароитларидан келиб чиқиб, Агентлик тавсияси билан белгиланади;

б) кўчат пайвандтаглари учун бериладиган барча турдаги субсидиялар **2024 йил 1 октябрдан** бекор қилинади;

в) Агентлик томонидан бериладиган барча турдаги субсидия маблағлари талабгорларнинг асосий ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

9. Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази Агентлик билан ҳамкорликда республиканинг турли тупроқ ва иқлим шароитларига мос мевали боғ ва ток кўчатлари навларини хорижий давлатлардан олиб келган ҳолда интродукция қилсин ҳамда илмий асосда интенсив боғ ва токзорлар турлари бўйича кўргазмали майдонлар ташкил этсин.

QMMB: 07/24/344/0765-son
02.10.2024-y

Агентлик Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, кўчатчилик хўжаликлари билан биргаликда ривожланган давлатлардан **“in-vitro”** лабораторияси учун **мевали дарахтларнинг касалликларга иммунитети** юқори бўлган янги нав ва клонлари олиб келинишини ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда **2025 йилнинг 1 июнига** қадар замонавий **“in-vitro”** лабораториясини ташкил этсин.

Бунда Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Ходжаев) Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда Бектемир туманидан 50 гектар ер майдонини, шундан, истисно тариқасида, 5 гектар майдоннинг ер тоифасини ўзгартирган ҳолда **“in-vitro”** лабораторияси учун ҳамда 45 гектарда оналик кўчатзорларини ташкил этиш учун ер майдони ажратилишини таъминласин.

10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Агентлик **уч ой муддатда** Италия, Франция, АҚШ, Испания, Португалия ва бошқа давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганган ҳолда республикада мева ва ток кўчатларини сертификатлаштириш тартибини ишлаб чиқиб, **2025 йил сентябрдан бошлаб** кўчатларни **сертификатлаштириш** тизимини жорий қилсин.

Бунда кўчатларни **сертификатлаштириш** Агентлик тузилмасидаги **“Қишлоқ хўжалигини стандартлаштириш ва сертификатлаштириш маркази”** давлат унитар корхонаси томонидан амалга оширилади.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Агентлик, Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2024 йил 1 декабрга** қадар соҳада амалга оширилаётган ишлар, янгиликлар, билим ва кўникмаларни доимий фойдаланувчиларга етказиб бериш учун электрон платформа ишлаб чиқсин.

Бунда мазкур платформада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, уларнинг ер участкаси, боғларнинг ҳолати, барпо қилинган вақти ва бошқа кўрсаткичларни ўз ичига олган боғ ва ток плантацияларининг ягона электрон харитасини, шунингдек, ҳудудлар ва маҳсулот **ишлаб чиқарувчилар кесимида етиштирилаётган** қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг навлари, турлари ва прогнози, пишиш вақти тўғрисидаги зарур маълумотларни бериб бориш тизими яратилсин.

12. Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Қўчқоров, Ж. Ходжаев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (И. Абдурахмонов) **2024 йил 1 ноябрга** қадар Жаҳон банки билан музокаралар ўтказган ҳолда Жаҳон банкининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида тайёр боғ ва кичик агрологистика лойиҳалари учун ажратилган **130 миллион** АҚШ доллари миқдоридаги маблағлардан мақсадли фойдаланиш ва боғдорчилик соҳасига йўналтириш бўйича аниқ механизмларни жорий қилсин.

QMMB: 07/24/344/0765-son
02.10.2024-y

13. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида республикада саноатлашган интенсив боғ ва токзорлар, намунали боғ ва ток плантациялари, иссиқхоналар, **“in-vitro” лабораториялари ва деҳқонларнинг илғор тажрибасини** кенг тарғиб қилсин, халқаро етакчи нашрлар, радиолар, телеканаллар ва бошқа оммавий ахборот воситалари вакиллари учун мамлакат бўйлаб пресс-турларни доимий ташкил этиб борсин.

14. Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, “Оқибат” МФЙ, Марказ-1 Буюк Ипак йўли мавзеси, 42-уй манзилида жойлашган бинонинг нотурар бўлган 1-қавати ва ертўласи Агентликка оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилишини таъминласин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Агентликнинг асослантирилган ҳисоб-китобларига биноан Давлат бюджетидан унинг маъмурий биносини таъмирлаш ҳамда моддий-техник базасини шакллантириш учун зарур ускуналар ва ахборот-коммуникация технологияларини сотиб олишга маблағлар ажратилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4246-сон қарорининг 2, 4 ва 6-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Ходжаев ва Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/24/344/0765-son
02.10.2024-y

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 30 сентябрдаги ПҚ–344-сон қарорига
1-илова

АГРОСАНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



QMMB: 07/24/344/0765-son
02.10.2024-y

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 30 сентябрдаги ПҚ–344-сон қарорига
2-илова

Боғдорчилик, узумчилик, иссиқхона хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда тизим фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
1.	Агросаноатни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳамда Агросаноатни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси (кейинги ўринда – Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини тасдиқлашни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	1. Агентлик тўғрисидаги низомни ҳамда Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини тасдиқлашни назарда тутувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Ҳужжат лойиҳасини ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Маблағ талаб этилмайди	2024 йил октябрь 2024 йил ноябрь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги *(Абдурахмонов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Хайдаров)*, Агентлик *(Абдуллаев)*
2.	Агентликнинг республика ва ҳудудий бўлинмалари ходимларининг иш самарадорлигини ошириш.	1. Ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий қилиш.	Маблағ талаб этилмайди	2024 йил декабрь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги *(Абдурахмонов)*, Агентлик *(Абдуллаев)*

QMMB: 07/24/344/0765-son
02.10.2024-y

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
		2. Агентлик ходимлари фаолиятининг натижадорлигига қараб **(KPI)** рағбатлантириш кўрсаткичларини белгилаш.		Доимий	
3.	Янгидан ташкил этиладиган саноатлашган интенсив мевали боғ ва токзорларни намунавий техник-иқтисодий асосда ташкил қилиш механизмини ишлаб чиқиш.	1. Янгидан ташкил этиладиган саноатлашган интенсив мевали боғ ва токзорларнинг намунавий техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш. 2. Саноатлашган интенсив мевали боғ ва токзорларни барпо этишнинг ички низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Маблағ талаб этилмайди	2024 йил ноябрь 2024 йил декабрь	Агентлик *(Абдуллаев)*, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги *(Абдурахмонов)*, манфаатдор вазирлик ва идоралар
4.	Кўчатчиликка ихтисослашган хўжалик ёки **"In-vitro" лабораториясига** тегишли бўлган ва мувофиқлик сертификатига эга бўлган янги кўчатчилик тизимини ишлаб чиқиш.	1. Республикада мавжуд кўчатчиликка ихтисослашган кўчатчилик хўжалиги ёки **"In-vitro" лабораториялари** рўйхатини ва уларнинг **ягона реестрини** шакллантириш. 2. Сертификатланган кўчатлар етиштирадиган **"In-vitro" лабораториялари** ва кўчатчилик мажмуаларини барпо этиш. 3. Агентлик томонидан доимий равишда сертификатланадиган кўчатлар экилиши ва агротехник тадбирлар ўтказилишини мониторинг қилиш.	Халқаро молия институтларининг грант маблағлари	2024 йил декабрь 2025–2026 йиллар Доимий	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги *(Абдурахмонов)*, Агентлик *(Абдуллаев)*, манфаатдор вазирлик ва идоралар
5.	Туркиянинг "Worldagro Consultancy Organizasyona.Ş." компанияси билан ҳамкорликда замонавий "in-	1. Туркиялик ҳамкор билан келишувларни амалга ошириш ва меморандум имзолаш. 2. Тошкент шаҳри ҳокимлиги томонидан Бектемир туманидан 50	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	2024 йил октябрь 2025 йил март	Вазирлар Маҳкамаси *(Ж.Ходжаев)*, Тошкент шаҳри ҳокимлиги *(Умурзаков)*,

QMMB: 07/24/344/0765-son
02.10.2024-y

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
	vitro” лабораториясини ташкил этиш.	гектар ер майдонини, шундан, истисно тариқасида, 5 гектар майдонда ер тоифасини ўзгартирган ҳолда “in-vitro” лабораториясини ҳамда 45 гектарда оналик кўчатзорларини ташкил этиш учун ер майдонини ажратиш. 3. Лойиҳани амалга оширишни бошлаш.		2025 йил июнь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги *(Абдурахмонов)*, Агентлик *(Абдуллаев)*
6.	Наманган вилоятида “Worldagro Consultancy Organizasyona.Ş.”компанияси билан ҳамкорликда саноатлашган боғ плантациясини ташкил этиш.	1. Хорижий компания билан биргаликда интенсив боғ барпо этиш лойиҳасини амалга оширишни келишиш. 2. Лойиҳани амалга ошириш учун Наманган вилояти туманларидан 4 минг гектар ер майдонини (паст ҳосилли пахта ва ғалла ҳамда бошқа экинлар) аниқлаш. 3. Ерни қонунчиликда белгиланган тартибда ажратиш чорасини кўриш ҳамда лойиҳани амалга оширишни бошлаш.	34,0 млн доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция	2024 йил ноябрь 2025 йил январь 2024–2025 йиллар	Вазирлар Маҳкамаси *(Ж.Ходжаев)*, Наманган вилояти ҳокимлиги *(Абдураззоқов)*, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги *(Абдурахмонов)*, Агентлик *(Абдуллаев)*
7.	Агентлик томонидан **мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчилар рейтинги** балли баҳолаш тизимини жорий этиш.	1. Фермер ва деҳқон хўжаликларининг нуфузини ошириш ҳамда қайта ишловчи ва экспортёр корхоналарга кўмаклашиш мақсадида боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжаликларининг самарадорлигини белгиловчи **Тартиб** лойиҳасини ишлаб чиқиш. Бунда:	Маблағ талаб этилмайди	2025 йил январь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги *(Абдурахмонов)*, Агентлик *(Абдуллаев)*, манфаатдор вазирлик ва идоралар

QMMB: 07/24/344/0765-son
02.10.2024-y

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
		“**яшил**” тоифадаги (90 фоиздан ошган) қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштирувчи хўжаликларни 2 йил давомида хўжалик фаолиятига алоқадор барча турдаги текширувлардан озод этиш; “**қизил**” тоифадаги қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштирувчи хўжаликларга 3 йил давомида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат субсидиясининг барча турларини олишга чекловлар киритиш. 2. Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчилар **рейтинги** тўғрисидаги тартибини тасдиқлаш учун Қишлоқ хўжалиги вазирига киритиш. 3. Аниқланган **рейтинг** натижасини йил охирида Агентлик сайтида эълон қилиб бориш.		2025 йил январь Ҳар йили 1 декабрга қадар	
8.	Мавжуд боғ ва токзорларни хатловдан ўтказиб бориш.	1. Республикада мавжуд мевали боғ ва узумзорларни хатловдан ўтказиш ва уларнинг рўйхатини шакллантириш. 2. Боғ ва узумзорларнинг электрон рўйхатини рақамлашган (геопортал) ахборот тизимига доимий жойлаштириш.	Маблағ талаб этилмайди	Ҳар йили январь-апрель Доимий	Агентлик *(Абдуллаев)*, Ўзагроинспекция *(Вахабов)*, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
9.	Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ёки токзор майдонларининг манзилли рўйхатини мавсумга қараб шакллантириш.	1. Мева ва узум боғларининг пишиқчилик даврига мос равишда иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ёки токзор майдонларининг манзилли рўйхатини шакллантириш.	Маблағ талаб этилмайди	2024 йил ноябрь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги *(Абдурахмонов)*, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси *(Кудбиев)*, Агентлик *(Абдуллаев)*,

QMMB: 07/24/344/0765-son
02.10.2024-y

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
		2. Агентлик томонидан иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган деб топилган боғлар ва токзорлар тўғрисидаги маълумотларни солиқ тўловчилар кесимида Солиқ қўмитасига тегишли ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали тақдим этиб борилишини таъминлаш.		Ҳар йили 1 декабрга қадар	Ўзагроинспекция *(Вахабов)*
10.	"Тайёр ҳолда барпо этиш" тамойили асосида боғ ва узумзор барпо этиш билан шуғулланувчи корхонани *(инжиниринг компаниясини)* ташкил этиш ва лойиҳаларни амалга ошириш.	1. Янги корхонани ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ва низомини ишлаб чиқиш. 2. Корхона устав фондини Агентликнинг жамғарма маблағлари ҳисобидан шакллантириш ва малакали мутахассислар билан таъминлаш. 3. Жамғарма маблағлари ҳисобидан боғларни барпо этиш лойиҳаларини Агентлик тизимидаги корхона орқали молиялаштириш чорасини кўриш.	Агентлик жамғарма маблағлари	2024 йил октябрь 2024 йил ноябрь Белгиланган муддатда	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги *(Абдурахмонов)*, Агентлик *(Абдуллаев)*, Адлия вазирлиги *(Тошкулов)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*
11.	"Тайёр ҳолда барпо этиш" тамойили асосида боғ барпо этиш ва аҳолига лизинг шартлари асосида бериш бўйича (2021–2023 йиллар) лойиҳаларни янги механизм асосида қайта ташкил қилиш.	2021-2023 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Тошкент, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида "Тайёр ҳолда барпо этиш" тамойили асосида боғ барпо этиш ва аҳолига лизинг шартлари асосида бериш бўйича берилган топшириқлар ўрнига **янги механизм асосида** 2025–2027 йилларда саноатлашган янги боғларни ташкил этиш чораларини кўриш.	Ҳисоб-китобларга асосан	2024–2025 йиллар	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги *(Абдурахмонов)*, Агентлик *(Абдуллаев)*, Адлия вазирлиги *(Тошкулов)*, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари

QMMB: 07/24/344/0765-son
02.10.2024-y

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
12.	**Миллий брендларни** тарғиб қилиш, экспорт географияси ва маҳсулот турларини кенгайтиришда маркетинг тадқиқотларни ўтказиш.	1. Маҳаллий қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг бренд маҳсулотлари рўйхатини шакллантириш ҳамда янги бренд маҳсулотлари яратишга кўмаклашиш. 2. Хорижий маркетологлар билан музокаралар ўтказиш, мавжуд ва янги ташқи бозорларнинг маҳсулотларга бўлган талабини ўрганиш, маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш. 3. Маркетинг тадқиқотлар натижасига кўра сифатли ва экспортбоп қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.	Агентлик жамғарма маблағлари	2024–2025 йиллар давомида Доимий 2024–2025 йиллар	Агентлик *(Абдуллаев)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)*, манфаатдор вазирлик ва идоралар
13.	Маҳаллий корхоналарга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишга кўмаклашиш.	1. Хитой ва бошқа давлатлар билан савдо муносабатларини ривожлантириш учун маҳаллий экспортёрларга кўмаклашиш мақсадида **онлайн савдо** платформасини ишга тушириш. 2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини **онлайн савдо** платформаси орқали тезкор тарзда амалга оширишда кўмаклашиш.	Агентлик жамғарма маблағлари	2025 йил май Мавсум давомида	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги *(Эргашев)*, Агентлик *(Абдуллаев)*, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси *(Вахабов)*
14.	Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини **узоқ муддат сақлашнинг инновацион ечимларини**	1. Хорижий давлатларнинг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини **узоқ муддат сақлаш** бўйича зарарли бактерия ва микроорганизмларни радиацион (нурлантириш)	Маблағ талаб этилмайди	2024 йил декабрь	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги *(Эргашев)*, Агентлик *(Абдуллаев)*, Ташқи ишлар вазирлиги

QMMB: 07/24/344/0765-son
02.10.2024-y

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
	жорий этишда амалий ёрдам бериш.	стерилизация (фумигация) қилиш усулларини ўрганиш. 2. Россия, АҚШ, Эрон, Покистон ва Хитой давлатларига соҳа мутахассисларини жалб этиб, тажрибаларини ўрганиш. 3. Радиация орқали стерилизация қилишни ташкил этиш тўғрисида ўрганилган тажрибаларни мақбуллаштириш ва жалб қилинадиган грантлар тўғрисидаги таклифни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.		2024 йил декабрь 2025 йил март	*(Саидов)*, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси *(Турдикулова)*, Ядро физикаси институти
15.	Соҳага хориждан малакали мутахассисларни жалб этиш, маҳаллий мутахассисларни ўқитиш ва илм-фан янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий этиш.	1. Маҳаллий ва хорижий қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳасидаги таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликни йўлга қуйиш. 2. Ҳудудларнинг тупроқ ва табиий иқлим шароитларини ҳисобга олиб, илмий ютуқлар, илғор илмий ишланмалар ва интенсив агротехнологиядан фойдаланиш бўйича хорижлик малакали мутахассисларни жалб этиш, жойларда чет эл тажрибаси асосида семинар ва тренинглар ўтказиш.	Инновацион ривожланиш агентлиги ва бошқа молиявий манбалар ҳисобидан	2024–2025 йиллар 2025 йил давомида	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги *(Шарипов)*, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази, *(Отажонов)*, Агентлик *(Абдуллаев)*, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар
16.	Иссиқхона хўжаликларида етиштириладиган маҳсулотлар сифатини	1. Иссиқхона хўжаликларига малакали агрономларни жалб этиб, сифати ва ҳажмини ошириш учун	Агентлик жамғарма маблағлари	Доимий	Агентлик *(Абдуллаев)*, Энергетика вазирлиги *(Мирзамаҳмудов)*,

QMMB: 07/24/344/0765-son
02.10.2024-y

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
	яхшилаш ва ҳажмини оширишни таъминлаш.	малака тренингларини ўтказиш. 2. Иссиқхонада маҳсулотларни етиштириш ҳосилдорлигини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда реализациясига кўмаклашиш. 3. Кўмир ёқилғисида фаолият юритаётган иссиқхоналар самарадорлигини ошириш, экология хавфсизлиги учун чанг-газ фильтрини ўрнатишда амалий ёрдам бериш.		2024–2025 йиллар 2024–2025 йиллар	Марказий банк *(Нурмуратов)*, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
17.	Агентлик тизимидаги корхоналар фаолиятини такомиллаштириш.	1. Агентлик тасарруфидаги **“Агросервис оператор” ДУК корхонасини** Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро марказига ўтказиш. 2. “Агросервис оператор” ДУКнинг мавжуд қарздорлигини Европа Иттифоқининг грант маблағлари ҳисобидан келгусидаги даромадидан қайтариб бериш шарти билан қоплаш чорасини кўриш.	7,6 миллиард сўм грант маблағлари	2024 йил октябрь 2024 йил ноябрь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги *(Абдурахмонов)*, Давлат активларини бошқариш агентлиги *(Ортиқов)*, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази, Агентлик *(Абдуллаев)*
18.	Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида маҳаллий ва хорижий муассасаларда илмий тадқиқотчи ҳамда лаборатория мутахассисларини тайёрлаш.	1. Республика миқёсида озиқ-овқат соҳасидаги ёш, қобилиятли ходимлар ва лаборатория мутахассислари рўйхатини шакллантириш. 2. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида ривожланган хориж давлатларидаги илмий тадқиқот бўйича ихтисослашган етук илмий-тадқиқот институтлари,	Агентлик жамғармаси маблағлари ва халқаро молия институтлари маблағлари	2024 йил ноябрь 2025 йил январь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги *(Абдурахмонов)*, Агентлик *(Абдуллаев)*

QMMB: 07/24/344/0765-son
02.10.2024-y

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
		лабораториялари ва ишлаб чиқариш корхоналарини аниқлаш. 3. Илмий-тадқиқот институтлари, лабораториялари ёки ишлаб чиқариш корхоналарини тажрибасига ва салоҳиятига кўра танлаб олиш ҳамда улар билан шартномалар тузган ҳолда ҳамкорликни амалга ошириш.		Доимий	
19.	Экспортбоп маҳсулотлар етиштириш, иқтисодий самара берадиган мевали боғ ва узумзорларни барпо қилиш, соғлом сифатли кўчатларни кўпайтириш мақсадида илмий ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.	Ҳудудларда боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжаликларидаги муаммоларга илмий-амалий ечим топиш мақсадида кўчатчилик, агротехник тадбирлар ўтказилиши, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда маҳсулотларни қайта ишлашни ичига олган 2024–2026 йилларга мўлжалланган фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион илмий-техник лойиҳаларни шакллантириш ҳамда уларнинг грант танловлари асосида амалга оширилишини таъминлаш.	Илм-фанни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	2024 йил октябрь	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги *(Шарипов)*, Агентлик *(Абдуллаев)*, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази *(Отажонов)*
20.	Боғдорчилик ва узумчилик соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш.	Мевали боғ ва узумнинг ҳосилдорлиги юқори, совуққа ва касалликка чидамли ҳамда данаксиз янги навларини яратиш бўйича илғор хорижий мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Франция, Италия, Испания, Португалия ва бошқа мамлакатларнинг	Халқаро молия институтларининг грант маблағлари ва Жамғарма маблағлари	2024–2025 йиллар	Агентлик *(Абдуллаев)*, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги *(Эргашев)*

QMMB: 07/24/344/0765-son
02.10.2024-y

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
		илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.			
21.	Республикада саноатлашган интенсив мевали боғ ва узумзорларнинг кўргазмали майдонлари, иссиқхоналар, “in-vitro” лабораториялари ва деҳқонларнинг илғор тажрибасини кенг тарғиб қилиш, халқаро етакчи нашрлар, телеканаллар ва бошқа оммавий-ахборот воситалари ходимлари учун мамлакат бўйлаб пресс турларни ташкил этиш.	1. Халқаро етакчи нашрлар, телеканаллар, машҳур агроблогерларни аниқлаб, улар билан интенсив боғ ва узумзорлар, намунали боғлар, иссиқхоналар, “in-vitro” лабораториялари ва деҳқонларнинг илғор тажрибасини кенг тарғиб қилиш мақсадида музокаралар олиб бориш ва уларни жалб қилиш. 2. Халқаро етакчи нашрлар, телеканаллар вакиллари, машҳур агроблогерлар иштирокида интенсив боғ ва узумзорлар, намунали боғлар, иссиқхоналар, “in-vitro” лабораториялари ва деҳқонларнинг илғор тажрибасини кўрсатиш учун пресс турлар ташкил этиш. 3. Пресс турлар натижасида қилинган ишларни оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқларида доимий равишда намойиш этишни ташкиллаштириш.	Агентлик жамғармаси маблағлари ҳисобидан	2024 йил декабрь 2024–2025 йиллар октябрь Доимий	Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги *(Абдурахмонов)*, Агентлик *(Абдуллаев)*
22.	Мевали боғ ва узумзорларни ижара ҳуқуқи билан расмийлаштириб беришнинг соддалаштирилган тартибини ишлаб чиқиш.	1. Мевали боғ ва узумзорларни ижара ҳуқуқи билан расмийлаштириб бериш тартибини соддалаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.	Маблағ талаб этилмайди	2024 йил ноябрь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги *(Абдурахмонов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Хайдаров)*,

QMMB: 07/24/344/0765-son
02.10.2024-y

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
		2. Ишлаб чиқилган таклифларга асосан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.		2024 йил декабрь	Кадастр агентлиги *(Пўлатов)*, Агентлик *(Абдуллаев)*
23.	Республикада анжир, фундук ва зайтунзорларни барпо этиш чораларини кўриш.	1. Туркия, Озарбайжон, Грузия, Испания ва Италия давлатларига анжир, фундук ва зайтун етиштириш технологияларини ўрганиш бўйича мутахассисларни хизмат сафарига юбориш, улар билан тажрибалар алмашиш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш. 2. Андижон вилоятида 100 гектар майдонда плантация усулида “Андижон анжирзорлари” боғини ташкил этиш. 3. Жалақудуқ, Хўжаобод, Ромитан, Вобкент, Хатирчи, Нурота, Конимех, Кармана, Қизилтепа, Нурота, Наманган, Учқўрғон, Боёвут, Сайхунобод, Гулистон, Жарқўрғон, Узун, Бўстонлиқ, Паркент, Бувайда, Бешариқ, Учкўприк, Урганч туманлари ва Самарқанд шаҳрида анжир етиштиришга ихтисослашган маҳаллаларни танлаб олиб, анжирзорлар майдонини кенгайтириш, ушбу туманларда анжирни қайта ишлаш, сақлаш, саралаш ва экспорт қилиш билан шуғулланувчи кичик корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги жамғармаси маблағлари Ҳисоб-китобларга асосан	2024–2025 йиллар давомида 2025 йил апрель 2025 йил сентябрь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги *(Абдурахмонов)*, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Холмуродов)*, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Хайдаров)*, Андижон вилояти ҳокимлиги *(Абдурахмонов)*

QMMB: 07/24/344/0765-son
02.10.2024-y

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
24.	Республиканинг **24** та туманидаги анжирчилик билан тўлиқ ва қисман шуғулланаётган **102** та маҳалладаги **20** минг аҳоли томорқаларида **Ромитан ва Урганч тажрибаси** асосида анжир етиштиришни ривожлантириш.	1. Маҳаллаларда анжир экадиган хонадонлар рўйхатини шакллантириш ва кўчат етказиб берувчи субъектларни аниқлаш. 2. Анжир кўчатини экадиган хонадонлар талабидан келиб чиқиб, молиявий (кредит) ресурслар ажратиш чораларини кўриш. 3. Туманларда анжир кўчатларини парваришлаш бўйича **Ромитан ва Урганч** туманининг уста деҳқонлари иштирокида амалий семинарлар ўтказиш.	Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	2025 йил январь 2025 йил май Режа-график асосида	Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши *(Хаитов)*, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
25.	Аҳоли хонадонларига 2025–2028 йиллар давомида **1 млн** туп анжир, зайтун ва фундук кўчатларини экиш.	1. Аҳолига анжир, зайтун ва фундук кўчатларини "Томорқа хизмати" МЧЖ томонидан етказиб бериш. 2. Аҳолига анжир, зайтун ва фундук етиштириш, парваришлаш ва касалликларга қарши курашиш бўйича тегишли мутахассислар томонидан амалий ёрдам кўрсатиб бориш.	Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	2025–2028 йиллар давомида Режа-график асосида	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (*Абдурахмонов*), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши *(Хаитов)*, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги *(Эргашев)*, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
26.	Агентликнинг фаолиятини тубдан яхшилаш ҳамда ходимларига шарт-	1. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманидаги "Оқибат" МФЙ, Марказ-1 Буюк ипак йўли мавзеси, 42-уй манзили	Ҳисоб-китобларга асосан	2024 йил октябрь	Давлат активларини бошқариш агентлиги *(Ортиқов)*,

QMMB: 07/24/344/0765-son
02.10.2024-y

Т/р	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Молиялаштириш манбаи	Ижро муддати	Масъуллар
	шароитлар яратиш учун бино ва зарурий жиҳозлар билан таъминлаш.	бўйича жойлашган бинонинг нотурар бўлган 1-қавати ва ертўласи Агентликка оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилишини таъминлаш. 2. Бинони реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ҳамда унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ўрнатилган тартибда қоплаш.		2024 йил октябрь	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги *(Кудратов)* Иқтисодиёт ва молия вазирлиги *(Хайдаров)*, Ғазначилик хизмати қўмитаси *(М.Атаджанов)*, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги *(Абдурахмонов)*, Агентлик *(Абдуллаев)*
27.	Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари учун шарт-шароитларни яратиш чораларини кўриш.	1. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва ҳудудий бўлинмалар ходимлари учун туманлар ҳокимликларининг маъмурий биноси ёки бошқа идора, ташкилотлардан алоҳида хона ажратиб, зарурий иш шароити, ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш. 2. Агентлик ходимларининг самарали фаолият олиб боришлари учун мебель, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаш учун харажатларни давлат бюджети, грант ва бошқа тақиқланмаган манбалар ҳисобидан молиялаштириш.	Ҳисоб-китобларга асосан	2024 йил октябрь 2024 йил декабрь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги *(Абдурахмонов)*, Агентлик *(Абдуллаев)*

QMMB: 07/24/344/0765-son
02.10.2024-y

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 30 сентябрдаги ПҚ–344-сон қарорига
3-илова

2024–2027 йилларда анжир, фундук ва зайтунзорларни ташкил этишнинг
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Ҳудуд (вилоят)лар номи	Жами ташкил этиладиган майдон, жами *(гектар)*	шундан		Шу жумладан, 2024–2027 йилларда ташкил этиладиган майдон, гектар								
			фермер, қишлоқ хўжалиги корхонаси	аҳоли томорқаси	Анжир	шундан		Фундук	шундан		Зайтун	шундан	
						фермер, қишлоқ хўжалиги корхонаси	Аҳоли томорқаси		фермер, қишлоқ хўжалиги корхонаси	аҳоли томорқаси		фермер, қишлоқ хўжалиги корхонаси	аҳоли томорқаси
1	Қорақалпоғистон Республикаси	105	35	70	93	35	58	12		12			
2	Андижон	1 035	534	501	788	420	368	184	74	110	63	40	23
3	Бухоро	723	320	403	640	295	345	83	25	58			
4	Жиззах	757	372	385	603	288	315	154	84	70			
5	Қашқадарё	1 284	593	691	964	440	524	208	98	110	112	55	57
6	Навоий	432	222	210	332	172	160	100	50	50			
7	Наманган	1 059	513	546	792	372	420	185	91	94	82	50	32
8	Самарқанд	1 349	714	635	861	490	371	488	224	264			
9	Сурхондарё	1 420	728	692	1 031	557	474	234	109	125	155	62	93
10	Сирдарё	478	218	260	405	185	220	73	33	40			
11	Тошкент	773	373	400	630	310	320	143	63	80			
12	Фарғона	966	524	442	736	393	343	165	81	84	65	50	15
13	Хоразм	353	130	223	330	130	200	23		23			
ЖАМИ:		**10 734**	**5 276**	**5 458**	**8 205**	**4 087**	**4 118**	**2 052**	**932**	**1 120**	**477**	**257**	**220**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1